

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« II » февраль 2019 у.

№ II3

Toshkent sh.

**2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш
ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига
киритиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қонун ижодкорлиги фаолиятини самарали режалаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясида, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Хукумат қарорларида назарда тутилган қонун лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурга киритилган қонун лойиҳаларини (кейинги ўринларда қонун лойиҳалари деб аталади) ишлаб чиқиш бўйича асосий ижрочи сифатида белгиланган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари:

2019 йилнинг 20 февралига қадар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режа-графикларининг белгиланган тартибда тасдиқланишини;

2019 йилнинг 1 мартига қадар режа-графиклар нусхаларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилишини;

қонун лойиҳаларининг сифатли тайёрланишини, жамоатчилик ва мутахассислар иштирокида муҳокама этилишини, ҳар томонлама экспертизадан ўтказилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун лойиҳаларининг тайёрланиши, келишилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши юзасидан мувофиқлаштириш ишларини;

қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизадан сифатли ўтказилиши, шунингдек, Дастур ижросининг мониторинг қилиб борилишини;

Вазирлар Маҳкамасига Дастур ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг ҳар чоракда киритилишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. 2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурига киритилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагиларга:

Дастурда белгиланган масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига – қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг ҳимоя қилиш юзасидан ишларни тўлиқ ва ўз вақтида ташкил этиш, шунингдек, қонунни амалга ошириш Ҳаракатлар режаси лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, ўз вақтида киритиш учун;

манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларига – шаклланадиган ишчи гуруҳларга тегишли мутахассисларни бириктирилишини таъминлаш, қонун лойиҳаси бўйича асосий ижрочиға кўмаклашиш ва қонунчиликда қатъий равишда белгиланган муддатларда лойиҳаларни келишиб берилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Давлетовга – тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш ҳамда қонун лойиҳаларни пухта ва сифатли ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш учун;

Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари раҳбарларига – Дастурда белгиланган қонун лойиҳаларини барвақт ва сифатли ишлаб чиқишда тегишли вазирлик ва идораларга кўмаклашиш, шунингдек, пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизалардан ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларида ва Бош вазир маслаҳатчилари ҳузурида ҳимоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокамасини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари Дастурга киритилган қонун лойиҳаларини ўз вақтида киритилиши устидан назоратни амалга оширсин ва қонун лойиҳаларини уларнинг ҳузурида муҳокама қилилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Бош вазирнинг маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “II” ~~феврал~~даги
II~~3~~ -сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Қонун лойиҳасининг ишчи номи	Қонунни қабул қилиш зарурлигининг асосланиши ва у қабул қилинган тақдирда кутиладиган натижалар	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича масъул ижрочилар	Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддатлари	Қонунчилик палатасига киритишнинг тахминий муддати	Вазирлар Маҳкамасининг масъул таркибий бўлинмаси
I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида назарда тутилган қонун лойиҳалари						
1.	“Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” (янги тахрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазибалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон Фармони 7-бандининг “а)” кичик банди назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: Ҳукуматнинг ваколатларини, уларни амалга ошириш механизмларини аниқ тартибга солиш ва иқтисодий, молиявий, пул-кредит, инвестиция, ижтимоий, маданий-гуманитар, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа соҳаларда ҳамда жорий вазиятни комплекс	Адлия вазирлиги	2019 йил 10 апрель	2019 йил 25 апрель	Юридик таъминлаш бошқармаси

		таҳлил қилиш асосида ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятда чуқур ва таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилиши ва яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда уларни стратегик ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилиши учун унинг масъулиятини ошириш; Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш; Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, судлар, ҳукукни муҳофаза қилиш ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари; Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ўтказиш, уларнинг яқунлари бўйича қарорлар қабул қилиш регламенти, шунингдек уларни ўтказиш давомида кўриб чиқиладиган аниқ масалалар рўйхатини белгилаш; Ҳукумат аъзоларини ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлаш масалалари;				
2.	“Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий таъсир чораларининг кучайтирилганлиги	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармони билан тасдиқланган Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 5-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси ташқи иқтисодий	Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги	2019 йил 20 февраль	2019 йил 20 март	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти

	муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар кiritиш тўғрисида”	фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳуқуқий таъсир чораларини кучайтириш, жумладан, божхона идентификация воситаларига қасддан шикаст етказганлик учун жарима санкциялари миқдорини оширишга қаратилган.				
3.	“Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 6-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: қонун ҳужжатларини қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ белгилаш, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни чеклаш; вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун талабларига мослиги, нормаларни амалга ошириш механизмларига эга эканлиги нуқтаи-назаридан баҳолаш мажбуриятини Адлия вазирлигига юклаш; қонун ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш тартибини такомиллаштириш;	Адлия вазирлиги, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти (келишув асосида)	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Юридик таъминлаш бошқармаси

		тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини киритишни таққлаш; Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишга қаратилган масалалар.				
4.	“Концессиялар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 122-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: концессия объектларини бериш, шартномани расмийлаштириш, давлат ва инвесторларнинг ўзаро муносабатларини аниқ тартибга солувчи механизмларни белгилаш; “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини “Концессиялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини инобатга олган ҳолда қайта қўриб чиқиш.	Давлат-хусусий шериклик агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
5.	“Валютани тартибга солиш тўғрисида” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат	Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти

		дастурининг 67-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тutilади: соҳага оид қонуности ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, ҳаволаки нормаларни максимал даражада қисқартирган ҳолда валюта операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш; халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида ва тадбиркорлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағидан эркин фойдаланиш ҳукукининг кафолатини мустаҳкамлаш; мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш; валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш; норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши натижасида олинган маблағларини чет эл валютасига айирбоплаш амалиётини янада соддалаштириш.				
6.	“Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1-бандида назарда	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти

		тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида давлат кафолати, уларнинг асосий тушунча ва таъминоти; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари ва тиббиёт ташкилотларининг фаолиятида, давлат органлари ваколатлари; ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш тартиби; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича профилактика чора-тадбирлари.	миллий палатаси			
7.	“Эрта ёшдаги болалар ва гўдакларни овқатлантириш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурининг 2-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: она сути билан озиқлантиришни тарғиб қилиш йўли билан эрта ёшдаги болаларни ва гўдакларни ҳимоя қилиш, хавфсиз ва сифатли овқатлантиришни таъминлашнинг ҳукукий асослари; кўкрак сути ўрнини босувчилар маркетинги Кодекси талабларига мувофиқ кўкрак сути ўрнини босувчилар маркетингини бошқариш;	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (қилинув асосида), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Ижтимоий ривожлантириш масалалари қотибияти

		кўрак сути билан озиқлантиришнинг афзаллиги тўғрисидаги маълумотларни, маҳсулотни қадоклаш этикеткасида бўлиши шартлиги; эрта ёшидаги болалар учун озиқ-овқат маҳсулотларини ёшига мувофиқлиги ва бехатарлиги асослари.				
8.	“Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон Фармони 6-бандининг “д” кичик бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида ушбу Фармон қондалари ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни нормалари назарда тўтилади.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти
9.	“Метрология тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПК-4059-сон қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 23-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилади.	“Ўзстандарт” агентлиги, Адлия вазирлиги	2019 йил 1 март	2019 йил 1 апрель	Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибияти

10.	“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 68-бандида назарда тутилган. Лойиҳада юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби назарда тўтилади.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги	2019 йил 1 апрель	2019 йил 1 май	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти
11.	“Дипломатик хизмат тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 253-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тўтилади: дипломатик хизмат тушунчаси ва турлари, дипломатик хизмат органлари, унинг вазифаси ва функциялари, ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; дипломатик хизмат турлари ва уларни амалга ошириш тартиби; дипломатик хизматга қабул қилиш, ротация тартиби ва дипломатик хизмат ходимларининг узоқ муддатли сафарда бўлиш муддатлари;	ТИВ, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирлик ва идоралар	2019 йил 1 апрель	2019 йил 1 май	Халқаро ҳамкорлик бўлими

		дипломатик хизмат ходимларини касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари; дипломатик хизмат кўрсатувчи шахслар мақоми, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш механизми; дипломатик хизмат органларини молиявий ва моддий-техник таъминлаш механизмлари, ходимларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти.				
12.	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 254-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси янги таҳрирда тасдиқланади. Концепцияда: Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини аниқ белгилаш; мамлакатнинг миллий хавфсизлиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш; замонавий шароитлардаги ташқи сиёсий, ташқи иқтисодий соҳаларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш; барча давлатлар ва нуфузли халқаро	ТИБ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, вазирлик ва идоралар	2019 йил 1 апрель	2019 йил 1 май	Халқаро ҳамкорлик бўлими

		ташкilotлар билан стратегик ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларининг барқарор тизимини барпо этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имижини, ўрни ва таъсирини мустаҳкамлаш; халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш, БМТ тузилмалари ва махсус муассасалари норма ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиш назарда тутилади.				
13.	“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарори билан тасдиқланган 2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастурининг 1-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси “Электрон тижорат тўғрисида” ҳамда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига қуйидагиларни кўзда тутовчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди: электрон тижоратда қўлланиладиган тушунчаларга аниқ таърифлар бериш; электрон тижорат субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг замонавий методларини жорий қилиш имконини бериш; электрон тижоратда ҳужжатларнинг электрон шаклларида фойдаланиш ва уларнинг юридик кучи билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш; бизнес (B2B) ва яқуний истеъмолчилар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси	2019 йил 1 апрель	2019 йил 1 май	Телекоммуникациялар, ИТ-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибияти

		(B2C) учун электрон тижоратда маҳсулотларнинг экспорт ва импорт қилиш масалаларини тартибга солиш; электрон тижоратдан фойдаланган ҳолда рақамли маҳсулотларни (дастурий маҳсулотлар, контент маҳсулотлар) ҳамда аутсорсинг хизматларининг экспорт ва импорт масалаларини тартибга солиш.				
14.	“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ–3808-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 6-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси оилавий бизнесни янада ривожлантириш орқали оилалар фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш учун қулай шароит яратишга қаратилган	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси	2019 йил 30 апрель	2019 йил 30 май	Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
15.	“Стратегик режалаштириш тўғрисида” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон Фармони 7-бандининг “б)” кичик банди назарда тутилган. Қонун лойиҳасида куйидагилар назарда тугилади: иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришни назарда тутувчи яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги	2019 йил 10 апрель	2019 йил 25 апрель	Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти

		мўлжалланган комплекс дастурларни (кейинги ўринларда – ривожлантириш комплекс дастурлари) ишлаб чиқиш механизмлари ва тартиби; ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки ва ўзаро ҳамкорлиги, уларни таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш ва пировард ижросини ташкил этиш; қабул қилинган ривожланишнинг комплекс дастурларини ҳар йили қайта кўриб чиқилишини, кейинчалик уларга глобал ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар киритилишини назарда тутувчи мазкур дастурларни таҳлил қилишнинг самарали механизмини жорий этиш.				
16.	“Маданият тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон қарорининг 8-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: маданият соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари; маданият соҳасида фуқаролар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари; маданий объектларни ташкил этиш,	Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси	2019 йил 1 май	2019 йил 1 июнь	Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти

		қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари; ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, маданият соҳасидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси; маданий алмашув, халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, маданият объектлари ва санъат асарларини оммалаштириш.				
17.	“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” (янги таҳрирда)	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида” 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон Фармонининг 25-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент якунларига кўра, амалдаги Қонунни янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга қаратилган.	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	2019 йил 1 июнь	2019 йил 1 июль	Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибияти
18.	“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 60-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия ташкилотлари	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирлик ва идоралар	2019 йил 1 июнь	2019 йил 1 июль	Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти

		мутахассислари билан биргаликда Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш; ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва яширин фаолият юритадиган субъектларни жазолаш механизмлари.				
19.	“Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ–3808-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 7-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатининг стандарти ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича хизматлар тақдим этиш сифатининг мониторинги тизимини яратишга қаратилган.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Оила” маркази, “Нуроний” жамғармаси, Ногиронлар жамияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ	2019 йил 30 июнь	2019 йил 30 июль	Ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти
20.	“Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси” (янги таҳрирда)	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5623-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича “Йўл харита”сининг 3-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.	“Давергеодезкадастр” қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти
21.	“Аудиторлик фаолияти	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Макроиқтисодий таҳлил, таркибий

	тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Режасининг 1-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: аудиторлик фаолиятини лицензиялаш жараёнини соддалаштириш; халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда аудиторларни сертификатлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назоратини амалга ошириш бўйича замонавий ва самарали мониторинг тизимини ривожлантириш; халқаро аудит стандартларини қўллаш; ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтиши шарт бўлган ижтимоий аҳамиятга эга корхоналарни аниқлаш.	вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси			ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
22.	“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 82-бандида назарда тутилган. Лойиҳада юридик шахсларнинг “унитар корхона” ташкилий-ҳуқуқий шаклини бекор	Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Юридик таъминлаш бошқармаси

		килиш, хўжалик юритиш ҳукукини бекор килиш назарда тутилади.				
23.	“Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 160-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: 2021 йилдан бошлаб, мажбурий тиббий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш; мажбурий тиббий суғурта тизимида босқичма-босқич ўтиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш; соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ажратилаётган пул маблағларини жамлаш ва тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш; “ҳар бир тўлик даволанган ҳолат” ҳисобидан келиб чиқиб, молиялаштириш механизмларини жорий қилиш; тиббий суғурта дастурларини амалга оширишга нодавлат тиббиёт ташкилотларини кенг жалб этиш назарда тутилади.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
24.	“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги,	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими

		ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 143-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: иш берувчининг иқтисодий мустақиллиги тамойилини кучайтириш; қонуности ҳужжатлардаги нормаларни бевосита қонунда белгилаш; ўзини ўзи банд қилишнинг замонавий ва самарали шакллари, жумладан масофавий меҳнат, фрилансинг каби фаолият турларини кенгайтириш ва унинг мақомини белгилаш.	Касаба уюшмалари Федерацияси			ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
25.	“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 166-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида яқин қариндошлар ўртасида никоҳни тақиқлаш масаласининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бу борада тарғибот ишларини амалга ошириш назарда тутилади.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идоралар	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти
26.	“Уй-жой кодекси” (янги таҳрирда)	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги,	2019 йил 1 август	2019 йил 1 сентябрь	Худудларни комплекс ривожлантириш,

		Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида урбанизацияни тартибга солишни таъминлаш бўйича “Йўл харита”сининг 2-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси уй-жой сиёсатининг узоқ муддатли стратегиясини назарда тутди.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси			коммуникациялар ва мудофаа саноати масалалари котибияти
27.	“Маданий мерос тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 4-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ва “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларни танқидий қайта кўриб чиқиш ҳамда маданий мерос объектлари бўйича тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган.	Маданият вазирлиги, Адлия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси	2019 йил 1 август	2019 йил 1 сентябрь	Ёшлар сиёсати, маданият, маънавийт, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти
28.	“Тиббий фаолият ва тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурининг 6-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади:	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги	2019 йил 1 сентябрь	2019 йил 1 октябрь	Ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти

		тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятни амалга оширишда жавобгарлиги ва мажбурияти, шунингдек, улар томонидан фуқароларга хизмат кўрсатилганлиги; тиббиёт ходимларининг фуқаролар соғлиғига зарар етказгани учун касбий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш вақтида уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш.				
29.	“Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ–3808-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 8-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳаси оила масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Оила кодексининг оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг жавобгарлик мезонларини аниқлаш, алиментларни белгилаш, ажралиш вақтида аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган.	Адлия вазирлиги, Олий суд, “Оила” маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ	2019 йил 30 сентябрь	2019 йил 30 октябрь	Юридик таъминлаш бошқармаси
30.	“Рақобат тўғрисида” (янги таҳрирда)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги	2019 йил 1 октябрь	2019 йил 1 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари қотибияти

		инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 88-бандида назарда тутилган. Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилади: “Табиий монополиялар тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонун нормаларини бирлаштириш; давлат томонидан тартибга солинадиган фаолият соҳаларини қисқартириш мақсадида табиий монополия соҳалари рўйхатини кескин қайта кўриб чиқиш; монополияга қарши курашиш механизмини такомиллаштириш; монополист корхоналар билан бирга бир хилда табиий монополия субъектларига нисбатан тегишли чораларни кўриш; интеллектуал мулк ҳуқуқларини ва монополияга қарши фаолият ҳуқуқларининг мувозанатини таъминлаш; ахборот тизимлари бозорини тартибга солиш хусусиятлари. Қонун лойиҳасини қабул қилиш табиий монополиялар соҳасида тартибга солишни кучайтириш, қонун бузилиш ҳолати учун табиий монополия субъектларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобатни тартибга солишни таъминлаш имконини беради.				
31.	“Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси” (янги таҳрирда).	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги,	2019 йил 20 декабрь	2019 йил 20 январь	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими

		Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 135-бандида назарда тутилган. Лойиҳада: бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар; ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби, ходим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ҳисобга олган ҳолатлар; Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар назарда тутилади.	Адлия вазирлиги, Қасаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси			ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти
II. Мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви органларининг ташаббуслари ва таклифлари асосида ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳалари						
32.	“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” (янги таҳрирда)	Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3982-сон қарорининг 2-бандини иноватга олган ҳолда: Ўзбекистон Республикасининг хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура	2019 йил 1 июнь	2019 йил 1 июль	Юридик таъминлаш бошқармаси

		биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури; фуқаролик масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш; тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни белгилаш; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини беришнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилишни назарда тутати. Қонуннинг қабул қилиниши фуқароликка кириш ва чиқиш билан боғлиқ жараёни соддалаштириш асосида фуқаролар учун қулай шароитлар яратиш имконини беради.				
33.	“Жиноят-процессуал ва Фуқаролик кодексларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”	Қонун лойиҳаси қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамолқа олишни ёки муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўллаш, қамол тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат идораларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қопланишини, кейинчалик ушбу сумма айбдор шахсдан ундириб олинишини назарда тутати. Қонуннинг қабул қилиниши: мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг адолатлилиги ва уларнинг фуқаролар олдидаги	Молия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	2019 йил 1 июнь	2019 йил 1 июль	Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти

		жавобгарлигини ошириш; коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини бажариш; Давлат бюджети манфаатларини ҳимоя қилиш; давлат органлари фаолиятининг сифатини ошириш; қарор қабул қилувчи мансабдор шахсларнинг жисмоний ва юридик шахслар олдидаги жавобгарлигини ошириш; коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини бажариш ҳамда Давлат бюджети манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.				
34.	“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	Қонун лойиҳасида: қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ваколатларини кенгайтириш, шу жумладан банк сирларини очиш; қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи органлар ўртасида ахборот алмашиш вақтида олинган махфий ахборотни ошкор қилиш бўйича чекловларни белгилаш назарда тутилади. Қонунинг қабул қилиниши ички фонд бозорини жаҳон сармояси бозорига, хорижий инвестициялар оқимиغا интеграциялашга имкон беради.	Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,	2019 йил 1 июль	2019 йил 1 август	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти
35.	“Геодезия ва картография тўғрисида” (янги таҳрирда)	Қонуннинг қабул қилиниши: бугунги кунда ишлаб чиқариш ва бошқарув технологияларининг ривожланган, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятининг йўналишлари иқтисодий ва технологик ривожлангани бугунги кун	“Давергеодезкадастр” қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш	2019 йил 1 сентябрь	2019 йил 1 октябрь	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти

		тенденциялари ва шартларига жавоб берадиган геодезия ва картография соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосининг шаклланишига; конунни турлича талқин қилиш ва қўллаш учун шароит яратувчи умумий, ноаниқ хусусиятга эга бўлган бир қанча нормалар, шунингдек реферанс қоидаларни бартараф этишга; бугунги кунда геодезия ва картография фаолиятининг моҳиятини, хусусан, “Давлат сунъий йўлдош геодезия тармоғи”, “Давлат картография-геодезия кадастри” каби замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни акс эттиришга йўналтирилган.	вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги			
36.	“Архив иши тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	Қонун лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутати: нодавлат архивларнинг фаолиятини ривожлантириш; ҳужжатларини Миллий архив фондида доимий сақлаш ҳуқуқи берилган вазирлик ва идоралар архивларининг мақомини белгилаш; архив биноларига бўлган талабларни белгилаш. Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда архив иш фаолиятининг ривожланиши билан бир қаторда ҳужжатлар йўқолишининг олдини олиш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича шароит яратади.	“Ўзархив” агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги	2019 йил 1 октябрь	2019 йил 1 ноябрь	Телекоммуникациялар, ИТ-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибияти
37.	“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш	Қонун лойиҳасида: товар белгиларини, хизмат кўрсатиш	Интеллектуал мулк агентлиги, Ахборот	2019 йил 1 октябрь	2019 йил 1 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи иқтисодий

	белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”	белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга аниқлик киритиш; электрон шаклда талабномалар топшириш; товар белгисининг ҳаммага маълум деб эътироф этилиши учун хулоса берувчи органни аниқлаш; юридик шахс тугатилганда, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини Интеллектуал мулк агентлиги Апелляция кенгашининг қарори асосида тугатиш имкониятини яратиш назарда тутилади.	технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги			алоқалар масалалари котибияти
38.	“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”	Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ички сув йўлларида хавфсиз сузишни таъминлаш, атроф муҳит ва сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш, кема эгалари томонидан кемалардан фойдаланишда норма ва қоидаларга риоя қилиш, сув объектларида авария ҳолатлари ва одамларнинг ҳалок бўлишининг олдини олиш чораларини аниқлаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда маъмурий таъсир чоралари қўлланиладиган сув транспорти (сузувчи воситалар) турларини кенгайтириш имконини беради. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима миқдорининг оширилиши кемалар эгаларининг жавобгарлигини оширади.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	2019 йил 1 ноябрь	2019 йил 1 декабрь	Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими

**2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурига киритилган
қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Вазирлик ва идоралар	1. Қонун лойиҳаси бўйича тегишли топшириқда белгиланган масъул ташкилот бошчилигида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳни ташкил этиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таъкиллаштириш юзасидан муҳокама ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш.	Белгиланган муддатларда
2-босқич	Ишчи гуруҳ	1. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таъкиллаштириш (қонун лойиҳасини, концепциясини, халқаро тажрибани ўрганиш, тегишли таҳлилий материаллар тайёрлаш ва б.). 2. Қонун лойиҳасини тегишли топшириқда белгиланган асосий ижрочи ташкилотнинг раҳбари ҳузурда ҳимоясини амалга ошириш. 3. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталига муҳокама қилиш учун жойлаштириш. 4. Зарур ҳолларда, қонун лойиҳасини муҳокама натижалари бўйича келиб тушган таклифлар асосида қайта кўриб чиқиш.	Белгиланган муддатларда 15 кунда
3-босқич	Асосий ижрочи ташкилот	1. Қонун лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш учун юбориш. 2. Қонун лойиҳасини Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этиш.	7 кунда
4-босқич	Адлия вазирлиги	1. Қонун лойиҳасини асосий ижрочи ташкилот мутахассиси иштирокида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш. 2. Зарур ҳолларда, қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиб, ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича тегишли хулоса бериш.	10 кунда
5-босқич	Асосий ижрочи ташкилот	Қонун лойиҳаси ва унга тегишли материалларни илова қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	шу куннинг ўзида
6-босқич	Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаси	1. Қонун лойиҳасини пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизалардан ўтказиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари билан келишиш. 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокамасини ва ҳимоясини таъминлаш. 4. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш.	1 ойда, агар бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса
7-босқич	Ишчи гуруҳ (Асосий ижрочи ташкилот, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаси ва б.)	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида ўтказиладиган муҳокамаларда қатнашиб, қонун лойиҳаси ҳимоясини амалга ошириш.	Белгиланган муддатларда
8-босқич	Асосий ижрочи ташкилот	Қонун лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, уни амалга ошириш Ҳаракатлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.	3 кунда
9-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Ҳаракатлар режасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	2 кунда
10-босқич	Вазирлик ва идоралар	Ҳаракатлар режасида белгиланган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.	Белгиланган муддатларда

